

Ахенс компанияси ПЭТ чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини таклиф қилмоқда

// 26 oktabr 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/axens-kompaniyasi-pet-chiqindilarini-qayta-ishlash-tehnologiyi>



Ахенс компанияси ПЭТ чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини таклиф қилмоқда

ПЭТ - полиэтилентерефталат - дунёда энг кенг тарқалган пластмасса тури. Ундан озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик, электротехника саноатида кенг фойдаланилади. Ушбу пластмасса туридан косметика, тозалаш воситалари, тиббий маҳсулотлар учун идиш ва қадоклар ишлаб чиқарилади.

Нефть ва биомассаларни экологик тоза ёқилғига айлантириш билан шуғулланувчи Ахенс гуруҳи барча турдаги полиэтилентерефталат чиқиндиларини озиқ-овқат саноати учун қайта ишлаб чиқариш технологиясини жорий этмоқчи.

Технология ВНЕТ (бис-гидроксиетилтерефталат) мономерини чуқур тозалашдан сўнг гликолиз орқали ПЭТнинг доимий деполимеризациясини ўз ичига олади. Унинг асосий афзаллиги шундаки, у мавжуд ёки янги заводларда осонгина қайта полимерлаш мумкин бўлган соф БХЕТ мономерини қайта тиклаш учун барча қўшимчалар ва ранг берувчи моддаларни ажрата олади.

Соф ВНЕТ мономеридан ишлаб чиқарилган қайта ишланган ПЭТ аллақачон озиқ-овқат

маҳсулотларини қадоқлаш ва косметика соҳаларидаги бир қанча йирик компанияларида маъқулланган бўлиб, унинг бозорда кенг жорий этиш мумкинлигини англатади.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати